O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 14 март пайшанба
Сотувда эркин нархда
№ 52-53 (2880-2881)





# ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЖОРЖ БУШ БИЛАН УЧРАШУВИ

**ВАШИНГТОН. 12 март. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.**

12 март куни Ислом Каримов Оқ уйда АҚШ Президенти Жорж Буш билан учрашди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасида стратегик ҳамкорликни кенгайтириш, аксилтеррор операцияси доирасидаги ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, Марказий Осиёдаги вазият, хавфсизлик ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Оқ уй раҳбари АҚШ Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтариш тарафдори эканини таъкидлади. Хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро терроризмга қарши кураш, иқтисодиётни юксалтириш, эркин демократик жамият барпо этиш жараёнида АҚШ билан шерикликни кучайтириш Ўзбекистон учун ҳам ғоят аҳамиятлидир. Очиқлик, ўзаро ишонч ва самимий руҳда ўтган ушбу мулоқот чоғида президентлар икки томонлама алоқалар ва умуман, халқаро аҳамиятга молик ҳамда ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикрлашди.



**СУРАТДА:** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ АҚШ Президенти Жорж БУШ билан.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

Президент Ислом Каримов шу куни АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл, қишлоқ хўжалиги вазири Энн Венеман ва бошқа расмий кишилар билан ҳам учрашди.

Музокаралар якунида томонлар ўртасида қатор ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация, илмий-техникавий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги битимларга имзо чекди. Колин Пауэлл мазкур ҳужжатлар томонларнинг мустаҳкам ва узоқ муддатли муносабатлар ўрнатишга интилишидан далолат эканини таъкидлади.

Шунингдек, икки мамлакат ўртасида ядро тарқалишига йўл қўймаслик борасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида ҳамда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият банки билан АҚШ Экспорт-импорт банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар ҳам қабул қилинди. АҚШ Эксимбанки Ўзбекистонга кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун 55 миллион доллар ажратадиган бўлди.

Қабул қилинган ҳужжатлар орасида, айниқса, Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация ўзаро муносабатларимизда муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳужжат давлатларимизнинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, шунингдек, ҳуқуқ ва хавфсизлик соҳаларида алоқаларни кучайтириш тарафдори эканини билдиради.

**(ЎзА).**

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВАШИНГТОНДАГИ МУЗОКАРАЛАРИ

**ВАШИНГТОН. 13 март. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.**

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов "Блэйр хаус" қароргоҳида АҚШнинг етакчи газета ва журналлари муҳаррирлари билан учрашди. Унда Марказий Осиёдаги вазият, Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни ва АҚШ билан ҳамкорликка оид мавзуларда сўз борди. Президентимиз америкалик журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Ислом Каримов Жаҳон банки раҳбари Жеймс Вулфенсон билан учрашди. Мулоқот чоғида банкнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизга хориж сармоясини жалб этишда ушбу муассасанинг иштирокини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Шундан кейин Ислом Каримов АҚШ Конгрессига келди. Аввал Вакиллар палатаси, кейин Сенат вакиллари билан учрашув ўтказди. Учрашувда АҚШ парламенти вакиллари Ўзбекистон билан алоқаларни мустаҳкамлашнинг аҳамияти катта эканини алоҳида таъкидлади. Америкалик қонунчилар АҚШ — Ўзбекистон муносабатлари фаол, кўп қиррали ва узоқ муддатга мўлжалланган бўлиши лозимлигини қайд этди.

Учрашувда Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш ва парламентлараро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Ислом Каримов Пентагонда АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелд билан учрашди. Учрашувда минтақавий хавфсизлик, ўзаро ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди. Томонлар терроризм, наркобизнес, уюшган жиноятчилик ва қурол-яроғ контрабандасига қарши биргаликда курашишни янада кучайтиришга келишиб олди.

Давлатимиз раҳбарининг АҚШга расмий ташрифи давом этмоқда.

**(ЎзА).**

***Ҳамкорлик робиталари***

***«ЎзЭксайд» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси жамоасининг завод маҳсулотларини нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон бозорига чиқаришга бел боғлаган ҳамкорлари-дилерлар билан мулоқоти бўлиб ўтди.***

# Жиззахда Америка билан қўшма корхона

Корхона фаолияти билан танишув ҳамда ошкора мулоқотга жамоа ишлаб чиқарадиган маҳсулот — турли ҳажм ва қувватга эга бўлган аккумуляторлар билан қизиққан мутахассислар, катта-кичик раҳбарлар ҳам таклиф этилди. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, америкалик ҳамкорларнинг қатъий назорати остида ўрнатилган қурилмалар, уларнинг тўласинча компьютерлашган иш услуби шубҳасиз тўпланганларга жуда маъқул бўлди. Муҳими, улар яқин ойлар ичида Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасида жаҳон андозаларига тўла мос келадиган сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилишига ишонч ҳосил қилишди.

Ана шундан сўнг корхона маҳсулотларини сотиш билан шуғулланадиган кишиларга ўзига хос саволнома тарқатилди. Уларнинг маҳсулотга қўйиладиган нарх, аккумуляторларни қачондан, қаерларга, қандай тартибда тарқатиш борасидаги фикрлари ўрганиладиган бўлди. «ЎзЭксайд»нинг Тошкент ва Жиззахдаги марказларида кенг жамоатчилик фикрини ўрганиш йўлга қўйилиб, савдо Департаменти раҳбарлиги лавозимига танлов эълон қилинди.

— Август ойидан бошлаб йилига миллионлаб аккумуляторлар ишлаб чиқарадиган корхонага ишончли ҳамкорлар керак, — деди «Ўзавтосаноат» уюшмаси раиси Қ. Парпиев. — Ҳозирданоқ Россия, Қозоғистон, Украина, Болтиқбўйи мамлакатларидан турли буюртмалар бўлаяпти. Бу эса жамоага ҳозирданоқ юксак масъулият юклайди.

«ЎзЭксайд» бош директори Ўктам Турсуновнинг сўзига қараганда, корхона тўла қувват билан ишга тушгач, бу ерда 406 нафар киши иш билан банд бўлади. Чунки иш асосан компьютерлар, замонавий технологиялар воситасида амалга оширилади.

— Бундай замонавий корхона Европада ҳам йўқ, — деди самарқандлик дилер ҳамроҳига.

Жаҳонда аккумулятор тайёрлашда биринчи ўринда турадиган «Эксайд»нинг ҳамкори «ЎзЭксайд»нинг истиқболи порлоқ эканлигига шубҳаланмаса бўлади.

**Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# 24 соат ичида

## ЮРТИМИЗДА:

### «МУРУВВАТ УЙИ»ГА НАВРЎЗ КЕЛДИ

**«Наврўз» хайрия жамғармаси ва Ўзбекистон Миллий университети пойтахтимиздаги «Мурувват уйи»да Наврўзга бағишлаб ўтказилган тадбирнинг ташаббускори бўлишди. Тадбир сўнгида жамғарма томонидан «Мурувват уйи»га тўртта рангли телевизор совға қилинди.**

### САМАРҚАНДДАН ХОРИЖГА



**Самарқандда қўшма корхоналар сони яна иккитага кўпайди. Саховатли заминимизда етиштирилган меваларни қадоқлаб, хорижга экспорт қилишга ихтисослашган «Алла-Сам» корхонаси Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлиги мевасидир. Шунингдек, грузиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «Камола-Глдани» корхонаси ҳам дастлабки маҳсулотларини чиқара бошлади. Мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган трикотаж мато ва тайёр маҳсулотлар хориж бозорларини забт этиши шубҳасиз.**

### «ЛЕУАТ ДЕ БУХОРО»

**Бухорои Шарифда қурилиши кўзда тутилаётган янги корхона ана шундай номланди. Мазкур корхона тиббиётда ишлатиладиган пахта момиғи ишлаб чиқаришга ихтисослашган.**

### САКУРА АНДИЖОНДА ГУЛЛАЙДИ

**Избосканнинг Чувама қишлоғи қабристонига Японияддан келтирилган Сакура дарахти ниҳоллари ўтқазилди. Бунга сабаб мазкур қабристонда Иккинчи жаҳон уруши даврида 137 нафар япон асирларининг мангу қўним топганлигидир. Ушбу дарахт ўша машъум кунларни эслатиб, тинчлик ва биродарликка даъват этиб гуллаши муқаррар.**



## ХОРИЖДА:

### СОБИҚ ШОҲ АФҒОНИСТОНГА КЕЛМОҚЧИ

**Афғонистоннинг собиқ шоҳи Зоҳир Шоҳ 23 мартда ватанига қайтади. Бу ҳақда Афғонистон Муваққат ҳукумати матбуот котиби Юсуф Нуристони хабар тарқатган. 87 ёшли Зоҳир Шоҳ 1973 йилдан буён хорижда яшаётган эди.**

### МУРОСА ҚИЛИНМАЙДИ



**АҚШ ҳарбийлари Афғонистоннинг Пактия провинциясида ҳарбий амалиётларни давом эттирмоқда. Пентагон матбуот котиби Виктория Кларкнинг айтишича, Америка ҳарбийлари террорчилар билан ҳеч қандай музокаралар олиб бормайди. «Биз барча террорчиларнинг жазо олишини истаймиз» — деди у.**

### ЯНА ЕТТИ ЖАСАД ТОПИЛДИ

**АҚШдаги 11 сентябрь воқеаларига ярим йил ўтганлигига қарамасдан Нью-Йоркдаги Жаҳон савдо маркази вайроналари ичидан яна 7 кишининг жасади топилган. Тахминларга кўра, уларнинг 5 нафари ўт ўчирувчи, қолганлари оддий фуқаролардир.**

### БОШ КОТИБНИНГ ЭЪТИРОФИ

**БМТ Бош котиби Кофи Аннан Исроил ҳукуматига Фаластин ерларини «ноқонуний оккупация қилиш» ва тинч аҳолини маҳв этиш амалиётларини тўхтатишини сўраб мурожаат қилган. БМТ Хавфсизлик кенгаши мажлисидаги нутқида у Исроил ва Фаластин раҳбариятини «ўз халқини фожеадан ҳимоя қилишга» чақирди. Кузатувчилар БМТ Бош котиби Исроил**



**1967 йилги урушда Фаластин ерларини босиб олгандан буён биринчи марта «ноқонуний оккупация қилиш» иборасини ишлатганини қайд этишган.**

**«Халқ сўзи», ЎзА, «Туркистон-пресс», «Интернет».**

# ДЕҲҚОН УЧУН ҲАР ДАМ ҒАНИМАТ

***Қишлоқ хўжалиги тизимидаги вазирлик, қўмита, компания ҳамда илмий-текшириш институтларининг бир гуруҳ раҳбар ва мутахассислари, олимлар икки кун мобайнида Бухоро вилоятида бўлиб, ғалла парвариши, чигит экишга тайёргарлик масалаларини ўрганди.***

12 март куни Бухоро вилоят ҳокимлигида текшириш якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоятнинг қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ ташкилотлари раҳбарлари, ҳуқуқ-тартибот, молия, солиқ идоралари бошлиқлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилишни Президентнинг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Маълумки, ўтган йили вилоятда ғанимат дамлардан омилкорлик билан фойдаланилмаганлиги боис пахтадан мўлжалдаги ҳосил олишга эришилмади. Ғалла ўримйиғими ҳам асоссиз равишда қарийб 40 кунга чўзилиб кетди. Хўш, ўтган йилги хатолардан етарли сабоқ чиқарилдими? Уч ойдан сўнг ғаллага ўроқ тушади. Бу борада аҳвол қандай?

Йиғилишда таъкидланганидек, вилоятда ғалла муддатидан анча илгари, сентябрь ойида асосий майдонларга экилгани, парвариш кўнгилдагидек олиб борилаётгани боис жорий йилда ундан мўл ҳосил олиш имкони мавжуд. Мутахассислар фикрича, ғалланинг 60 фоизи найчалаш босқичига кирган. Бир квадрат метрда 370-390 та майса бор. Бу ўтган йилдагидан 45-50 та кўп. Ернинг текислиги ҳам, ғаллани озиқлантириш ҳам яхши. Лекин 8 фоизга яқин майдондаги кеч экилган ғалла ўсишдан орқада қолган.

Вилоятда чигитни плёнка остига экиш бошлаб юборилди. Бу борада қоракўлликлар намуна бўлмоқда. Аммо Жондор туманида плёнка остига чигит экиш пайсалга солинмоқда. Ҳолбуки, бу тадбир 21 мартгача барча туманларда тугаши лозим. Чигитни оммавий экишга тайёргарлик кўриш, уни қисқа муддатда, узоғи билан 10-15 апрелгача тугаллаш учун ҳам пухта тайёргарлик кўрилгани қайд этилди.

Йиғилишда ғалла парвариши, чигитни плёнка остига экиш борасида қилинаётган ишлар тўғрисида Бухоро, Олот, Ромитон, Шофиркон, Қоракўл, Қоровулбозор, Коғон, Пешку, Ғиждувон туманлари ҳокимларининг ахбороти тингланди.

Пудратчилар, фермерлар билан ишлашда расмиятчиликларга, уларни минерал ўғит билан таъминлашда узилиш ва суиистеъмолчиликка йўл қўймаслик лозимлигига эътибор қаратилди.

Йиғилишда Бухоро вилояти ҳокими С.Ҳусенов иштирок этди.

**Илҳом САФАР, ЎзА мухбири.**

***Бугуннинг гапи***

# Томчи сув — гавҳар

***Яқинда бир дўстимиз Австралия сафаридан қайтди. Ўртоқлар йиғилишиб, унинг уйига бордик. У гўзал манзаралар, ҳашаматли бинолар, ўша ерлик таниш билишлари билан тушган суратларини кўрсатиб ўз таассуротларини гапириб берди.***

— Уларда бир фазилат бор экан: сув билан газ, электроэнергиядан жуда тежамкорлик билан фойдаланишар экан, — деди дўстимиз.

— Ҳисоблагич қўйилганлиги учун бўлса керак-да, — деди бир ўртоғимиз.

Ҳа, шундай хонадонлар ҳам бор, аммо бир сафар ювиниб жўмракни ёпиш эсимдан чиқиб қолганда танбеҳ берган ўртоғимнинг хонадонида унақа ускуна йўқ эди.

— Австралиянинг ҳамма томони сув билан ўралган-ку, наҳотки ўшандай ерда ҳам сув танқис бўлса, — деди яна бир дўстимиз.

— Ҳа, мен ҳам аввалига ҳайрон бўлдим, кейин шу масала билан қизиқдим. На кўчада, на уйларда биздагига ўхшаб беҳуда оқиб турган сувни кўрмадим. Австралиялик ўртоғимдан сўрасам, у аввалига мени тушунмади, чунки уларни қандай тежамаслик мумкинлигини ақлига сиғдиролмади шекилли, кейин чучук сув ва табиий газ бизнинг бойлигимиз, деб тушунтирди.

Дарҳақиқат, биз жўмракни очсак сув оқиб туришига, газ ўчоғидан «зангори олов» ёнишига ўрганиб қолганмиз, лекин бунинг қандай бебаҳо неъмат эканлигини чуқурроқ ўйлаб кўрмаймиз.

Масалан, сувни олайлик. Халқимизда «Томчи сув — гавҳар» деган ҳикмат бор. Ҳақиқатан ҳам, у тириклик манбаи. У бўлмаса табиат ҳам, инсон ҳам бирон нарсага эришиши қийин. У борки, нон бор, бунёдкорлик бор, ҳаёт бор. Инсон танасининг 60 фоизини сув ташкил қилади, унинг ўз фаолиятини давом эттириши учун ҳар куни икки литр атрофида ичимлик истеъмол қилиши керак. Ер юзидаги аҳоли миқёсида ҳисобланса-чи, яна қуш, ҳайвонлар, ўсимликлар бор. Яна бир мисол, жўмракдаги томчидан бир кеча-кундузда 200 литрдан ортиқ сув ҳосил бўлар экан, бефойда оқиб турганларидан-чи. Яна бир нарса, мана шу ҳаёт чашмасини уйларга етказиб бериш учун қанча техника ишлайди, соҳада қанча инсон меҳнат қилади. Баъзилар хизмат қилса ҳаққини оляпти-ку, дейиши мумкин, албатта. Лекин фараз қилинг, шу сув йўқ, пул сув ўрнини боса оладими?..

Худди шу фикрни табиий газ ҳақидаям айтиш мумкин. Баъзи хонадонларда газ ўчоғи бекорга ёниб туради. Сабаби битта: «Гугурт йўқ». Ўзингиз ўйлаб кўринг, арзимаган пул турадиган гугуртни тежаш учун «зангори олов» ёниб турибди... Бу худбинлик эмасми? Мутахассисларнинг ҳисобига кўра агар газ ўчоғи икки кеча-кундуз ёниб турса, бир кишининг ойлик нормасини ёқар экан. Демак, ўша инсон бир ой давомида иссиқ чой, овқат истеъмол қилмасдан совуқ уйда ўтириши керак.

Бунга ҳам «давлатимизда табиий газ кўп, ёниб турса турибди-да» дейдиганлар топилиши мумкин. Шукрки, мамлакатимиз табиий ресурсларга бой. Лекин уларни шундай бефойда ишлатиб тугатсак эртага келажак авлод нима қилади? Ҳаётимизнинг мазмуни бўлмиш фарзандларимиз қандай яшайди?

Келинг, масалага бошқа томондан ёндашайлик. Маълумки, уйларимизда жўмракдан сув оқиб туриши , газ ўчоқда олов ёниши , электр чироғи ярақлаб туриши бу тараққиёт мевалари. Демак биз тараққий этган жамият аъзоларимиз. Бундай аъзолар ўз навбатида ушбу жамиятга хос онгли, билимли, маданиятли бўлиши керак. Лекин агар кўчамизда ёки уйимизда бефойда сув шариллаб оқиб турса, «зангори олов» ёниб турса ўзимизни онгли, маданиятли дея оламизми?

Шуни айтиш жоизки, биз мустақил давлатмиз. Бу ўз юртимизга ўзимиз жавобгармиз дегани. Унинг табиий бойликларидан унумли фойдаланиш, Ватанимизнинг шон-шуҳратини ошириш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиз. Мана шу масъулиятни чуқур англаб етолсак, дунё ҳамжамияти олдида ҳам, келажак авлод олдида ҳам юзимиз ёруғ бўлади.

**Салим ДОНИЁРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Сенинг имкониятларинг бу, Ўзбекистон!




**Мамлакатимиз аҳолисининг гўшт ва сут, ундан тайёрланган маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондиришда "Ўзгўштсутсаноат" уюшмасининг ўз ўрни бор. Мазкур тармоқнинг бугунги равнақига тўхталишдан олдин унинг Ватанимиз мустақилликка эришгунга қадар даврдаги фаолиятига қисқагина тўхталиб ўтиш жоиз.**

**Собиқ Иттифоқ даврида ўз таркибига юзга яқин қайта ишлаш корхоналари, чорвачилик ва чўчқачилик хўжаликларини бирлаштирган вазирлик мавжуд эди. Шунга қарамасдан, зарур хомашёнинг асосий қисми четдан келтириларди. Жумладан, йилига 200 минг бош қўй, 10 минг бошдан зиёд қорамол, 180 минг тоннага яқин гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 10 миллион банка консерваланган тушёнка, қуруқ сут ва музқаймоқ, пишлоқ, колбасаларнинг айрим турлари қўшни республикалардан олиб келинарди. Бироқ улар қайта ишлангач, маълум қисми яна аллақаерларгадир жўнатиларди. Ачинарлиси, бундай неъматлардан кўпинча қишлоқ аҳолиси бебаҳра қоларди. Бу ҳол мустақилликнинг дастлабки йилида ҳам давом этди. Чунки қардош республикалар ўртасидаги иқтисодий алоқалар узилиб қолганди. Оқибатда тармоқнинг улкан корхоналарини қайта оёққа турғазиш осон кечмади.**

**Шундай бир пайтда — 1993 йили ҳукуматимиз "Ўзгўштсутсаноат" уюшмасини ташкил этиш тўғрисида" қарор қабул қилди. Ушбу ҳужжатга биноан, уюшма таркибига киритилган 23 та гўштни, 38 та сутни қайта ишлаш корхонаси, 150 тадан ортиқ чорвачилик хўжаликлари республикамиз аҳолисининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ қондириши лозим эди. Аммо чорвачилик фермаларининг давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилиши соҳада яна маълум муддатгача хомашё тақчиллигини юзага келтирди. Уюшма маъмурияти бунга барҳам бериш мақсадида, энг аввало, ўзларига қарашли чорвачилик хўжаликларини оёққа турғазишга ҳаракат қилиб, аҳоли ва фермер хўжаликларидан шартнома асосида қорамол ва сут маҳсулотлари харид қилишни йўлга қўйди.**

**Мухтасар қилиб айтганда, "Ўзгўштсутсаноат" ўтиш даврининг барча қийинчиликларини енгиб ўтиб, ривожланиш сари дадил одим ташлай бошлади.**

*Биз шундай имкониятлар, шундай механизмлар яратайликки, токи корхоналаримиз жаҳон бозорида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришга тўла юз тутсин.*

**Ислом КАРИМОВ.**

# «Ўзгўштсутсаноат»: АСОСИЙ МЕЗОН — ЭЛ ЭҲТИЁЖИ

## УЧ ЙЎНАЛИШЛИ ДАСТУР

1999 йил ниҳоясида уюшмада аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ қондириш мақсадида 2000-2005 йилларга мўлжалланган аниқ дастур ишлаб чиқилди. Унда таркибий корхоналар асосан уч йўналиш бўйича фаолият кўрсатиши белгилаб берилди: музқаймоқ, сут-қатиқ ва пишлоқ-сариёғ. Корхоналар ушбу кундалик халқ истеъмоли молларини мунтазам ишлаб чиқариш асносида уларнинг сифати ва қадоқланишини жаҳон андозалари даражасига яқинлаштириши лозим эди.

Таъкидлаш жоизки, истиқлолга қадар республикамизда атиги 3-4 хилда музқаймоқ тайёрланарди. Бугунги кунга келиб эса, уларнинг тури 30 тадан ошиб кетди. Сифати, ёрлиқ безаги, қадоқланиш даражаси импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар қаторига кўтарилди. Кунига 65 тонна, йилига 4200 тонна музқаймоқ тайёрланадиган бўлди. Уни четдан келтиришга эҳтиёж қолмади.

Хўш, бунга қандай қилиб эришилди?

Аввало, "Фарғонасут" ва "Бухоросут" ҳиссадорлик жамиятлари акцияларининг бир қисми хорижий сармоядорларга сотилиб, ҳар иккала корхонага ҳам қарийб бир миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилди. Натижада қисқа муддат ичида музқаймоқ ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги технологиялар ўрнатилиб, йилига 300 тоннадан зиёд музқаймоқ маҳсулотлари тайёрлаш имконияти яратилди. Шунингдек, "Парвина М" корхонаси ҳам ўтган йили республика "Пахтабанк"и ва хорижнинг KFW банкларининг кредити ҳисобига Италиянинг "Cogil Engineering srl" фирмасидан умумий қиймати 790,1 минг евро бўлган музқаймоқ тайёрлаш линиясини харид қилиб ишга туширди. Айни пайтда бу жамоада йилига 1200 тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилаяпти.

Бундан ташқари, "Тошкентсут" ҳиссадорлик жамияти, "Сайхунсут", Шаҳрисабздаги "Тевабоши" сингари ўндан ортиқ корхоналарда ҳам экспортбоп музқаймоқ маҳсулотлари тайёрлаш ўзлаштирилди.

Сут-қатиқ, пишлоқ-сариёғ режаларини амалга ошириш борасида ҳам дадил қадамлар ташланмоқда. Хусусан, уюшмага бирлашган 20 тадан зиёд корхонада сут, қатиқ, бринза, эритилган ва дудланган пишлоқлар, Голландиянинг машҳур "Гауда", Россия ҳамда Литванинг пишлоқ тайёрлаш технологиялари асосида янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Шу жиҳатдан олганда, айниқса, "Тошкентсут" ҳиссадорлик жамиятида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Бу ерда юқорида номлари қайд этилган маҳсулотлардан ташқари, 250 граммлик бежирим, ихчам ва ранг-баранг картон қутиларда сливка, ряженка, қаймоқ, сут, қатиқ маҳсулотлари, мева шарбатлари ва шаффоф сувлар сингари янги неъматлар ҳам тайёрланмоқда. Яқинда корхона мутахассислари узоқ изланишлардан сўнг уларнинг сақланиш муддатини 4 ойгача узайтириш имконига эга бўлдилар. Шу боис бир қатор савдо шохобчалари ва супермаркетлардан кўплаб буюртмалар туша бошлади. Албатта, корхонада иш шу билангина чекланиб қолгани йўқ. Маҳсулот сифатини янада яхшилашга ва уларнинг хилма-хиллигини таъминлашга интилмоқда. Шу мақсадда ёғлилик даражаси юқори, оқсилга бойитилган сузма, ширин сузма ва чакки маҳсулотларини бежирим идишларда қадоқлаб, истеъмолчиларга жўнатиш юзасидан лойиҳалаш ишлари олиб борилмоқда.

Тармоқда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самараси ўлароқ, ўтган йили 37 минг тонна сут ва сут маҳсулотлари, 1,3 минг тонна мол ёғи ва бошқа маҳсулотлар тайёрланди. Яқинда эса уюшмада яна бир хайрли ишга қўл урилди. Қарийб 30 хил қандолат маҳсулоти ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Конмит" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасида 125 граммлик идишларда жем маҳсулоти ва қуйилтирилган сут ишлаб чиқариш учун "Полимекс" қўшма корхонасига 700 минг АҚШ долларига тенг ускуналар келтирилди.

"Фарғонасут" ва "Бухоросут" ҳиссадорлик жамиятларида эса ихчам қутиларга қадоқланган пишлоқлар ишлаб чиқариш ниятида корхоналарни қайта реконструкция қилишга киришилди. Режалар тўла амалга ошгач, йилига 600 тонна атрофида пишлоқ тайёрланади. Уюшма аҳли 2001 йилга мўлжалланган инвестиция дастурларини ҳам бажарди. Умумий қиймати 16,73 миллион АҚШ долларилик 4 та лойиҳа муваффақиятли амалга оширилди. Жами 12 та қўшма корхона барпо этилди. 2002-2005 йилларга мўлжалланган режага кўра, хорижий сармояларни янада кўпайтириш учун уюшма негизида молиявий саноат гуруҳи ташкил этилиши кўзда тутилган. Унда молиявий институтлар, банклар, маркетинг хизмати, экспорт-импорт бўлимлари ҳам фаолият кўрсатадики, натижада уюшма ўзини ўзи етарлича маблағ, хомашё билан таъминлаш имкониятига эга бўлади. Пировардида деҳқон ва фермер хўжаликларидан сут маҳсулотлари ва қорамол харид қилиш, уларга авваладан юз фоизлик аванс маблағлари билан бирга боқиш учун зотдор буқалар етказиб бериш учун қулайлик яратилади.

— Бугунги кунда республикамиз аҳолиси биргина бизнинг маҳсулотларга кўз тикиб қолгани йўқ, бу ҳаммага маълум, —дейди уюшманинг гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш бошқармаси бошлиғи Шуҳрат Мусаев.— Шуни ҳисобга олиб, рақобатбардош гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлида бор имкониятлар ишга солинаяпти. Хусусан, барча туман ва шаҳар бозорларида Қассоблар уюшмаси ташкил этилди. Улар бозорга тушаётган гўшт маҳсулотларинининг сифатини назорат қилиш билан бир қаторда тирик молларнинг кушхоналарда сўйилишини таъминламоқда. Шунингдек, қорамолларнинг эгалари билан келишилган ҳолда нақд пул тўлаш ёки колбаса маҳсулотлари тайёрлаб бериш шарти билан сотиб олишни ташкил этаётирлар. Шу йўл билан ўтган йили 25 минг тонна гўшт маҳсулотлари савдога чиқарилди, 6 минг тонналик давлат буюртмаси ҳам бажарилди. Бундан ташқари, қайта ишлаш корхоналаримиз ўтган йили 43 минг 600 тонна гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 580 тонна атрофида колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришди. "Мармакс" қўшма корхонасида эса йилига 12,5 мингта қадоқланган тушёнка тайёрлаш йўлга қўйилиб, четдан келтириладиган бундай турдаги маҳсулотга бутунлай барҳам берилди. Айни пайтда корхонада йилига беш минг тоннага яқин гўшт маҳсулотлари қайта ишланиб, савдо шохобчаларига чиқарилмоқда.

— Шуҳрат ака, соҳада эришилаётган ютуқлар қувонарли, албатта. Аммо гўштни қайта ишлаш корхоналарининг савдога чиқарган маҳсулотларини кўриб, гоҳида кўнгил хижил тортади. Кўпинча дўкондан харид қилинган колбаса, сосискаларни бир татиб кўрганингиздан сўнг иккинчи маротаба истеъмол қилгингиз келмайди. Устига устак, маҳсулотнинг тайёрланган вақти, корхона номи кўрсатилмаган бўладики, кимга додингизни айтишингизни билмай қоласиз. Буни қандай тушунса бўлади?

— Тизимимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми давлат буюртмаси истеъмолчиларга юборилади. Фақат, бир қисмигина уюшма қошида ташкил этилган 130 тадан ортиқ савдо дўконлари, супермаркет ва бошқа шохобчаларга берилади. Бундай шароитда ҳеч бир корхона ўзининг доимий мижозига сифатсиз маҳсулот тайёрлаб, кўзбўямачиликка қўл уришга журъат қилолмаса керак, деб ўйлайман. Ўз навбатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар уюшмамиз мутахассислари томонидан мунтазам равишда назорат қилиб борилмоқда. Бироқ, сир эмас, кўплаб хусусий колбаса ишлаб чиқариш корхоналари ҳамон назоратсиз қолмоқда.

— Бунинг учун, сизнингча, нима қилиш керак?

— Масалан, оддий бир дорихона ёки нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси очмоқчи бўлсангиз, албатта, "Дори-дармон" уюшмаси, "Ўздонмаҳсулот" корпорациясидан лицензия олишингиз шарт. Бундай тартиб бир қатор бошқа тизимларда ҳам ташкил этилган. Шундай экан, кундалик ҳаётимизда муҳим ўрин тутадиган гўшт маҳсулотларини назорат қилиш "Ўзгўштсутсаноат" уюшмаси зиммасига юклатилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ана шунда ҳалол рақобат вужудга келади. Ҳалол рақобатда эса ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жалб этган ва сифатли маҳсулотлар тайёрлаганларгина ғолиб чиқадилар.



## «ТОШКЕНТГЎШТ» ҚАЧОН ОЁҚҚА ТУРАДИ?

Бундан етти-саккиз йилча аввал Тошкент гўшт комбинати маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати жиҳатидан Марказий Осиёда ягона ҳисобланарди. Кунига юз тонна гўшт ва гўшт маҳсулотлари тайёрланиб, савдога чиқариларди. Бироқ сўнгги йилларда хомашё етишмаслиги сабабли, корхона бутунлай тўхтаб қолди. Оқибатда катта тажрибага эга ишчи-хизматчилар ва мутахассисларнинг аксарияти мажбурий меҳнат таътилига чиқарилди, кўпчилиги бошқа касб этагини тутишга мажбур бўлди. Маъмурият аҳволни ўнглаш учун тасарруфидаги боғча, мактаб, дам олиш оромгоҳлари каби бир қатор иншоотларни сотишга мажбур бўлди. Ҳатто бир қатор жамоа хўжаликларидан бўрдоқи мол харид қилиш учун аввалдан аванс пули ҳам тўлади. Бироқ нафи бўлмади. Негаки, корхонани, жилла қурса, ярим қувват билан ишлатиш учун кунига ҳар бири 250-300 килограмдан тош босадиган 200 бош қорамол зарур эди.

Тўғри, бир қатор хорижий давлатларнинг тадбиркорлари бу ерда қўшма корхона очиш истагини билдиришди. Аммо, улар корхона фаолияти билан обдон танишгач, ҳафсалалари пир бўлишди. Ваҳоланки, ҳозир бу ерда замонавий тиббиёт лабораторияси, музхона ва собиқ Иттифоқ даврининг сўнгги технологиялари билан жиҳозланган цехлар мавжуд. Хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи ишбилармонлар уларни ижарага олишмоқчи. Аммо бунга рухсат берилмаётир. Аниқроғи, ички имкониятлар ишга солинмаяпти.

Халқимизнинг "Борни йўқ қилиш осон, йўқни бор қилиш қийин", деган нақли бежиз айтилмаган. Уюшма маъмурияти бундан тегишли хулоса чиқариб олса, фойдадан холи бўлмасди.

## «ПОЛИМЕКС» — КИЧИК БИЗНЕС МАДАДКОРИ

Пойтахтнинг Бектемир туманида жойлашган "Полимекс" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси фаолият бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Бу ерда кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун ўндан ортиқ турда мини-технологиялар тайёрланмоқда. Бош мутахассис Борис Викторович Хрустовнинг таъкидлашича, ҳозирча мижозларга таклиф этилаётган ускуналарнинг аксарияти асал, қаймоқ, суюқ ва қуюқ ҳамда бошқа маҳсулотлар учун полимер идишлар, турли хажмдаги қопқоқлар, умумий овқатланиш шохобчалари, ванналар, қандолат маҳсулотлари, ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари учун мўлжалланган плёнкалар тайёрлашга ихтисослаштирилган автоматли, ярим автоматли ва дастакли қурилмалардан иборат. Улар ҳажман унчалик катта жойни эгалламайди. Ортиқча электр қуввати талаб қилмайди. Кичик бизнес билан шуғулланувчилар ва фермер хўжаликлари учун ниҳоятда қўл келади. Корхонанинг замонавий ускуналарини харид қилган бир қатор корхоналар ва фермер хўжаликлари улардан унумли фойдаланмоқдалар.

* * *

Шифокорларнинг фикрича, инсон ўз организмининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган йиллик талабини тўлиқ қондириши учун 120 килограмм гўшт, 160 килограмм сут маҳсулотлари истеъмол қилиши зарур. Масалан, гўшт муҳим қувват манбаи бўлиб, таркибида 12—20 фоизгача оқсил, 7—36 фоизгача ёғ, А, В, РР дармондорилари ва бир фоизгача маъданли тузлар ҳамда актин, миозин, миоген, миоальбумин, глабулин икс, миоглабин сингари аминокислоталар мавжуд.

Сут маҳсулотлари ҳам бебаҳо неъматлардан ҳисобланади. Унинг таркибида А, В1, В2, В 6, В 12, С, Д, Е, К, Н, РР сингари ўндан зиёд дармондорилар учрайди. Шунингдек, маъдан моддалари кўп. Калий, фосфор, натрий, хлор, шунингдек, рух, кобальт, мис, йод, темир каби микроэлементлар бор. Бинобарин, сут нафақат тўйимли озуқадир, балки шифобахш неъматдир. Бироқ, уюшмада республикамиз аҳолисини ана шу маҳсулотлар билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни талаб даражасида деб бўлмайди. Юқорида келтирилган камчиликлар бунинг тасдиғидир. Шу билан бирга, мутахассис олимларнинг таъкидлашларича, қорамол ошқозон-ичакларидан жарроҳлик иплари, ширдонидан сир ишлаб чиқаришда қўл келадиган пепсин суюқлиги, болалар камқонлигининг олдини олишда асқотадиган гемотеген, қорамол безларидан эса инсон организми учун ниҳоятда зарур бўлган дори-дармонлар ишлаб чиқариш мумкин экан. Лекин "Ўзгўштсутсаноат" уюшмаси бу масала билан қизиқмаяпти. Ёки улар "Ўзфармсаноат" уюшмаси вакиллари қачон келишаркин?" деб кутиб турибдилармикин?

**Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ, Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.**



## БЕПАРВОЛИК ОҚИБАТИ

*Яқин-яқинларгача "Самарқандгўшт" ҳиссадорлик жамияти билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирганларнинг саноғи йўқ эди. Хўжалик ва савдо ташкилотлари вакилларининг қадами бу ердан бир дақиқа ҳам узилмасди. Эндиликда эса корхонада биронта зоғни ҳам учратиш амримаҳол. Биргина ўтган йили деҳқон ва фермер хўжаликларидан 1500 минг тонна ўрнига бор-йўғи 90 тонна гўшт харид қилинганлигини қандай тушуниш мумкин? Ҳисоб-китобларга кўра, бу хомашё уч кунлик иш сменасига зўрға етади. Хомашё харид қилиш учун корхонада маблағ йўқ. Тўғри, "Самарқандгўшт" ҳиссадорлик жамияти мутасаддилари корхона олдида турган ана шу муаммони ҳал этиш мақсадида акцияларнинг қарийб 50 фоизини Италиянинг "Реал-фуд" фирмасига сотганди. Бироқ хорижликлар корхонанинг акциясини сотиб олишга олди-ю, аммо шартномада кўрсатилган маблағ билан таъминлашни унутишди. Ўз навбатида корхона раҳбарларининг нўноқлиги туфайли акциядан тушган маблағ ҳам ўзлаштирилмай қолиб кетди. Ачинарлиси, бу масала билан вилоят "Гўштсутсаноат" бирлашмаси ҳам мутасаддилари қизиқишмаяпти.*

*Агар корхонада аҳвол шу тарзда давом этаверса, эртами-индинми, у бутунлай банкрот ҳолига келиб қолиши аниқ.*

## ЖАРИМАЛАР КОР ҚИЛМАЯПТИ

**Қани, уюшманинг ўзида сифат масаласи қай аҳволда? "Ўздавстандарт" маркази мутахассисларидан олинган маълумотларда қайд этилишича, 2000 йил "Ўзгўштсутсаноат" уюшмасига қарашли 39 та корхонада ишлаб чиқарилаётган 60 турдаги маҳсулотнинг 35 фоизи давлат стандартлари талабларига жавоб бермаган. 15 ҳолатда маҳсулот сотиш тақиқланиб, 13 миллион 78 минг сўмдан зиёдроқ иқтисодий жарима қўлланилган. Ўтган йили эса 35 та корхонанинг 43 хилдаги маҳсулоти текшириб кўрилганда уларнинг қарийб 49 фоизи сифатсиз эканлиги аниқланган. Оқибатда мазкур корхоналарга қарийб бир миллион сўм иқтисодий жарима қўлланилди, 20 нафар жавобгар шахсдан 116 минг сўмдан ортиқроқ миқдорда жарима ундирилди. Шунингдек, уюшма тасарруфидаги 35 та корхонада метереологик назорат ўтказилганда, мавжуд 2251 та бирлик ўлчов воситаларининг 25 фоиздан зиёдроғи яроқсиз, деб топилган.**

**Хўш, шундай аҳволда "Ўзгўштсутсаноат" уюшмаси мутасаддилари хусусий сектор тизимида ишлаб чиқарилаётган гўшт ва сут маҳсулотларининг сифатини ўз назоратларига олишлари мумкинми?**




## ЎЗБЕКИСТОН «НЕСТЛЕ»СИ

***Мана, ниҳоят, мамлакатимизда ҳам "Нестле" компаниясида тайёрланган жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган болалар таомлари, ярим тайёр маҳсулотлар, музқаймоқ ва яхна ичимликлар ишлаб чиқарилишига саноқли кунлар қолди. Ғап шундаки, шу йилнинг 29 март куни Наманганда "Нестле-Ўзбекистон" Ўзбекистон—Швейцария қўшма корхонаси фойдаланишга топширилади. Унга "Нестле" компанияси томонидан қарийб 23,5 миллион АҚШ долларига тенг сармоя жалб этилган. Режага кўра, дастлаб газланган ва газсиз маъданли сувлар, узоқ муддат сақлашга мўлжалланган болаларбоп сутли маҳсулотлар ва бошқа таомлар ишлаб чиқарилади. Корхона тўлалигича ишга тушгач, йил охиригача 6,2 минг тонна болалар таомлари ва сут маҳсулотлари, 18 миллион литр яхна ичимликлар тайёрланади.***

***"Нестле" корпорацияси дастурига биноан, ана шу йўналиш бўйича яна 30 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя ётқизиш кўзда тутилган. Бундан кўриниб турибдики, қўшма корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми орта бошлагач, нафақат янги иш ўринлари балки сутни қабул қилиш пунктлари сони ҳам ортади. Фермер хўжаликлари ва аҳолидан ҳам сут қабул қилина бошлайди.***

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

*(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2002 йил февраль ойи бўйича маълумот):*

### I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. *«Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига қўшимчалар киритиш тўғрисида»* Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2002 йил 26 январдаги 2/10-сон қарори.

***2002 йил 8 февралда 773-13-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 18 февралдан кучга киради).***

2. *«Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»*ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 14 январдаги 7, 2002-8-сон қарори (янги таҳрирда).

***2002 йил 15 февралда 1097-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 25 февралдан кучга киради).***

3. *«Ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этмасдан амалга ошириётган, қатъий белгиланган миқдорда солиқ ундириладиган жисмоний шахсларнинг даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 30 январдаги 28, 2002-8-сон қарори.

***2002 йил 15 январда 1003-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 25 февралдан кучга киради).***

4. *«Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 14 январдаги 6, 2002-10-сон қарори (янги таҳрирда).

***2002 йил 15 январда 1098-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 25 февралдан кучга киради).***

5. *«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаганлик (оқизиб юборганлик) ҳамда чиқиндиларни жойлаштирганлик учун бюджетга ва табиатни муҳофаза қилиш фондига тўланадиган тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Давлат солиқ қўмитасининг ва Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2002 йил 18 январдаги 18, 2002-11, 09-81-сон қарори (янги таҳрирда)

***2002 йил 15 январда 1099-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 25 февралдан кучга киради).***

6. *«Инфратузилмани ривожлантириш учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 14 январдаги 9, 2002-6-сон қарори.

***2002 йил 15 январда 1100-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 25 февралдан кучга киради).***

### II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. *Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқнома ва 1,2,3-сонли ўзгартиришлар.* ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (1997 йил 30 декабрда 384-сон, 1999 йил 20 июлда 384-1-сон, 1999 йил 20 октябрда 384-2-сон, 2000 йил 28 сентябрда 384-3 билан рўйхатдан ўтказилган).

***Адлия вазирининг 2002 йил 15 февралдаги 16-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.***

2. *Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома ва 1,2,3-сон ўзгартиришлар.* ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (1998 йил 29 январда 401-сон, 1999 йил 23 сентябрда 401-1, 2000 йил 3 майда 401-2-сон, 2001 йил 10 январда 401-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

***Адлия вазирининг 2002 йил 15 февралдаги 18-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.***

3. *1997 йилда ер остидан фойдаланганлик учун ер ости магистрал муҳандислик коммуникацияларига солиқ солиш тўғрисидаги тушунтириш хати.* ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (1998 йил 31 мартда 416-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

***Адлия вазирининг 2002 йил 15 февралдаги 18-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.***

4. *Ўзбекистон Республикаси ҳудудида табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаганлик (оқизиб юборганлик) ҳамда чиқиндиларни жойлаштирганлик учун тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартиби ва 1-сон ўзгартиришлар.* ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (2000 йил 26 январда 883-сон, 2000 йил 26 сентябрда 883-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

***Адлия вазирининг 2002 йил 15 февралдаги 19-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.***

5. *Ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқнома ва 1-сон қўшимча.* ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (1998 йил 31 мартда 415-сон, 2000 йил 4 ноябрда 415-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

***Адлия вазирининг 2002 йил 15 февралдаги 20-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.***

6. *Магистрал ва халқаро алоқа линияларини лойиҳалаш, қуриш ва ишлатиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида вақтинчалик низом.* Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан тасдиқланган (1998 йил 1 майда 435-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

***Адлия вазирининг 2002 йил 15 февралдаги 21-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.***

**Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши ёки амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

### III. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди:

1. *«Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини давлат аттестациясидан ўтказиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Давлат тест марказининг, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг, Маданият ишлари вазирлигининг ва Ўзбекистон Республикаси Бадиий академиясининг қарори.

2. *«Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан товарларни олиб ўтиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг қарори.

3. *«Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтишнинг соддалаштирилган, имтиёзли тартиби тўғрисида қоидани тасдиқлаш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг қарори.

4. *«Экология солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори (янги таҳрирда).

5. *Тошкент вилояти аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномасини бериш тартиби.* Тошкент вилояти аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси томонидан тақдим этилган.

6. *Тошкент вилояти аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишларини бажарувчи маиший хизмат кўрсатиш ходимларининг малака разрядларини тасдиқлаш ва бериш тўғрисида низом.* Тошкент вилояти аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси томонидан тақдим этилган.

7. *Тошкент вилояти аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимидаги раҳбар, ходимларни аттестациядан ўтказиш тўғрисида низом.* Тошкент вилояти аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси томонидан тақдим этилган.

8. *«Автомобиль транспортида йўловчилар ташишда меҳнат муҳофазаси қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг буйруғи.

9. *«Дорихона муассасалари томонидан тайёрланадиган ва идишга жойланадиган дори воситаларини ташқи безагига доир қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи.

10. *«Экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнида ишлатиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга солиқ кредитлари бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори.

11. *Кредитларни тўламаганлик учун янги ташкил этилган фермер хўжаликлари жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича суғурта полисини расмийлаштириш учун қарз берувчиларга оид намунавий талаблар.* «Ўзагросуғурта» компанияси томонидан тақдим этилган.

**Тақдим этилган ҳужжатларда амалдаги қонунчиликка зид қоидалар мавжуд ёки улар меъёрий ҳужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайди. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг хулосалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.**

### IV. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда:

1. *«Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруғи.

2. *«Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори (янги таҳрирда).

3. *«Таълим муассасаларида степендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ва Молия вазирлигининг қарори.

4. *«Юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори (янги таҳрирда).

5. *«Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори (янги таҳрирда).

6. *«Маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори (янги таҳрирда).

7. *«Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори (янги таҳрирда).

8. *«Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган алоҳида турдаги товарлар бўйича акциз солиғини тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва Давлат божхона қўмитасининг қарори.

9. *«Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори (янги таҳрирда).

10. *«Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарори (янги таҳрирда).

11. *«Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори (янги таҳрирда).

12. *«Ўзбекистон Республикасида коммунал сув таъминоти ва сув тармоқлаш тизимларидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»* «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг буйруғи.

13. *«Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган ишлар, хизматларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори.

14. *«Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган товарларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва Давлат божхона қўмитасининг қарори.

15. *«Давлат божи тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва Давлат божхона қўмитасининг қарори.

16. *«Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори (янги таҳрирда).

17. *«Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган ва Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига ўтказиладиган ягона ер солиғи суммасидан қатъий ажратмалар қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Марказий банкнинг ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори.

18. *«Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича кўрсатмаларни тасдиқлаш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруғи.

19. *«Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори (янги таҳрирда).

20. *«Инвестиция воситачилари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»* Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг буйруғи.

21. *Ишлаб чиқариш чиқитлари ва истеъмолни экологик сертификатлаш қоидалари.* Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан тақдим этилган.

22. *Маҳсулотларни экологик сертификатлашни ўтказиш қоидалари.* Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан тақдим этилган.

23. *Технологик жараёнларни экологик сертификатлашни ўтказиш қоидалари.* Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан тақдим этилган.

24. *Маҳсулотларнинг экологик хавфсизлигини аниқлаш мезонлари тартиби.* Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан тақдим этилган.

25. *«Бухгалтерлик ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларда хорижий валютадаги операцияларни акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк ва Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг қарори.

26. *«Ўзбекистон Республикаси маълумотлар узатиш тармоқларининг тармоқлараро уланишлар тўғрисидаги буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»* Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлигининг буйруғи.

27. *«Ишламаётган аёлларга бола икки ёшга тўлгунча парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг қарори.

28. *«Сон жиҳатдан қисқартирилганлиги туфайли бошқарув идораларини таъминлаш учун ҳаражатларни молиялаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг қарори.

***Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.***

***Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28***

## Мачайликлар мамнун

*Қишлоқда тиббий хизмат*

Сурхоннинг сўлим гўшаларидан бири Мачай қишлоғида эл саломатлиги йўлида хайрли ишга қўл урилди. Туман марказидан олисда жойлашган Мачай қишлоғи аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш кўнгилдагидай эмасди. Олий Мажлис депутати Т. Ҳамроев билан учрашувда мачайликлар қишлоқ врачлик пункти кераклигини маслаҳатлашгандан сўнг бу масала тез орада ўз ечимини топди.

Қишлоқ врачлик пункти биноси Зариф Раҳмонов бошлиқ 256-кўчма механизациялаштирилган қурилиш жамоасининг қўли гул бунёдкорлари томонидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур тиббиёт маскани қурилишига вилоят капитал-қурилиш бошқармасидан 50 миллион сўмлик янги замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари келтирилиб ўрнатилди. Мачай қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Юқори Мачай, Қизилнавр, Кенгдала, Ғаза, Хўжадияк, ўрта ва пастки Мачай қишлоқларида яшайдиган 4000 нафар аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

**Турдиали ХАЛЛИЕВ.**
**Бойсун тумани.**



**Ҳурматли тадбиркор жаноблар !**

Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ўз мижозларига энг қулай шароитлар яратиш мақсадида

**«АСАКА» БАНКИ**

2002 йил 1 февралдан бошлаб банк амалиётларининг асосий йўналишлари бўйича хизмат кўрсатиш тарифларини такроран

**30%дан 50%гача**

камайтирганини эълон қилади.

"Асака" банки Ўзбекистон молия бозорида 1996 йилдан бери фаолият юритиб, республиканинг барча вилоятларида ўз филиаллари ва бўлимларига эгадир.
Жисмоний ва юридик шахсларга миллий ва чет эл валютасида барча банк хизматларини кўрсатмоқда.

**«Асака» банки сизни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлайди !**

ASAKA BANK

**Маълумот учун телефонлар:**
**120-83-83, 120-81-62,120-82-98, 120-82-66.**
**Манзилимиз:**
**700015, Тошкент шаҳри, «Нукус» кўчаси, 67-уй.**
**Банк филиаллари — Нукус шаҳри ва барча вилоятлар марказларида.**

5272/161

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

NBU

***Баҳор байрами арафасида Ўзбекистон аҳолиси ва меҳмонларига «Наврўз» деб аталган қисқа муддатли омонатни таклиф этади.***

Йилига 60% тўланадиган омонатта маблағлар 2002 йил 5 мартдан 20 мартга қадар (30 кун муддатга) қабул қилинади.

**Агар "сўм карточкаси" омонатининг совринли ўйинида иштирок этсангиз, сизга 10.000 сўмдан 500.000 сўмгача ютуқни қўлга киритиш имконияти ҳам берилади.**

*Тиражда 2002 йил 21 мартга қадар очилган барча сўм карточкалари иштирок этади.*

Ўйин 2002 йил 28 мартда ўтказилади.
Тираж натижаларини «Ўзмиллийбанк»нинг барча муассасаларида билиб олишингиз мумкин
*(Маблағлари «Наврўз» омонатига ўтказилган сўм карточкалари тиражда иштирок этмайди).*



***Супермаркетлар, дўконларда товарлар харид қилаётганингизда, ресторанлар, маиший хизмат корхоналари, уяли алоқа компаниялари, авиа ва темир йўл кассалари, автомобилга ёнилғи қуйиш шохобчаларининг хизматларидан фойдаланганингизда «Ўзмиллийбанк» сўм карточкалари ёрдамида улар ҳақини тўлаш чоғида қулайликни ҳис этасиз.***

Сиз Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг барча бўлим ва филиалларидан сўм карточкаларини бепул олишингиз, шунингдек, «Наврўз» омонатларини очишингиз мумкин.
Мулоқот учун телефонлар: 137-62-80, 137-62-83.
www.nbu.com

5364/335

**UCD Micros® компанияси тақдим этади !**

**Металлопластикадан ром ва эшиклар**
- Сифати немисларникидай
- Хоҳлаган шакл ва ҳажмда
- Ўлчаш ва манзилга элтиб бериш текин
- Иссиқлик ва шовқин муҳофазаси

**ELECTRA кондиционерлари**
Совуқ кунда «Қиш-ёз» сплит системаларининг шовқинсиз илиқ ҳаво оқими

**ЯНГИЛИК**
**Ромлар учун ҳимоя**
- Майда шиша заррачаларидан ҳимоя
- Қуёш нурларини ютиш ва қайтариш
- Ультрабинафша нурлардан ҳимоя

Лазер ва оқимли принтерларнинг оригинал макетлари учун плёнка етказиб бериш имконияти бор.

- Дилерларни ҳамкорликка чақирамиз

**Тинчлик, хотиржамлик бўлсин!**



Манзилгоҳ: С. Азимов кўч.,72-а. Телефонлар:136-04-49;132-07-14;186-65-27 www.ucdgroup.com okna@ucd.uz

# ЮРТГА ОШИҚЛИК

**Ошиқлик нима? Ширин, бедаво дардми? Севганингга интилиб, талпиниб, васлига етганингда ҳам дийдорига тўймасликми?**

**Ошиқлик туйғуси инсон билан бирга туғилган деб ўйлайман. Ҳа, кўз очиб сени кўрдим, сени танидим, сени севдим. Ўзгаси ҳар қанча сулув бўлсин, дилбар бўлсин-гардингга алишмасман, она ЮРТ.**

**Сенинг оддий гиёҳингни қадр этган, асрлар бўйи қаддини тик тутиб безабон турган минораларингни бир бор меҳр билан силаган, боғларингдаги меваларингдан бол тотганда юракдан бир бора «оҳ» деб қўйган ҳар кишини-да мен ўзимга яқин тутаман.**

**Сени асло севмайин бўлмас. Менки, бағрингда туриб «кўзим тегмасин» деб қўрқаман. Шайдоларинг қанча экан-а, она Юртим!**

— Ўзбекистонга келиб ундим, ўсдим, — дейди озарбайжонлик ҳамюртим Фикрият Куллиев, — ўзимдан кўпайдим. Фарзандларимни шу юрт учун илмли, жонкуяр, муҳаббатли қилиб тарбия этдим. Шу юрт тузини ичиб умргузоронлик қилаяпман, бу бебаҳо юртимни ҳеч нарсага алишмасман.

Барибир, мендек сени ҳеч ким севолмас, деб ўйлайман. Назаримда, ҳамма-ҳаммадан ҳам кўпроқ мен сени яхши кўраман. Тўғри, машҳур ҳинд актрисасининг сўзлари бот-бот ёдимга келиб туради:

— Ўзбекистонга ошиқман, — деганди у ҳам, — жаннатмакон бу юртга яна ва яна келсам дейман, юраги тоза одамлари билан қайта-қайта суҳбатлашсам.

Эй она юртим, шайдоларинг бунча кўп, бунча тафтинг иссиқ? Ёки қуёшнинг ҳам сенга меҳри бўлакчами?

Мен сенинг бир парчанг бўлган Гулистонданман. Мустақиллик йилларида шаҳрим қиёфаси қай даражада ўзгариб кетганини таърифлашга тилим лол. Шаҳар қоқ ўртасидаги маданият-маърифат ўчоғи ҳисобланган театр, бокс саройи, «Алпомиш» спорт мажмуаси, теннис кортлари, кичкинтойлар оромгоҳ боғи, кенг равон кўчалар, айтиб адо қилолмайман ўзгаришларни. Шоир айтганидай:

*Бузилди эски деворлар,*
*Тикланди баланд минорлар.*

БОҚИЙ ҚАДРИЯТ




*Экилди янги чинорлар,*
*Она юртимни бир кўрсанг.*

Хотиралар қаърига шўнғийман. Собиқ иттифоқ даврида Москвага келган Индонезия ҳукумати раҳбари ёлғиз истаги Ўзбекистонга бориш — имом ал-Бухорий ҳокини зиёрат қилишлигини айтади. Қаровсиз жойга меҳмонни олиб келдилар. Меҳмон улуғ заминга оёқ кийимини ечиб, қадам қўяди. Кўзларидан ёш селини оқизиб эмаклаган куйи Ҳазрат Бухорий қабрлари сари интилади. Бирдан тун чароғон бўлиб, атроф ойдинлашиб кетади. Муқаддас тупроққа оёқ қўйган меҳмоннинг оҳи Оллоҳга етдимикин? Ким билсин, ўша кезда унинг кўнглидан нималар ўтган? Бироқ аминманки, сенга етишганидан, гардингни юз-кўзларига сурганидан у ўта бахтиёр бўлган, ОНА ЮРТИМ!

Азизу авлиёларни бағрида аллалаган бешигимсан-да ўзинг. Бугун бизнинг ҳеч хижолатлик жойимиз йўқ. Юрт раҳбари азизлар, улуғлар макон топган жойларни обод қилдириб, гулга айлантирган. Аждодларимиз иззати ўрнига қўйилган.

Кўрса кўргудай, кўнгил тўлгудай эл фарзанди эканлигимдан мағрурлик билан қувонаман: бири келиб бири кетаётган меҳмонлардан, дўстлардан эшитаётганим эса «Ўзбекистон нақадар гўзал, бу юртга яна келишни орзу қиламан», — деган сўзлардир.

Дўстларим! Ошиқлик шундай — ҳусн-малоҳат танламайди, борича севилади. Қўмсаб, интилиб, яхшилик соғиниб яшаш — севишдир. Муҳаббат борлиги учун омон бўлинг, юртимни севганингиз учун бор бўлинг. Момоларимиз айтишича, тоғда қатрон деган дарахт ўсади. Ундан мунчоқ ясаб кўзга яқин гўдак, учқур отга, хуллас ёмон назардан сақлаш учун тақадилар. Улар назарланган пайтда қатрон майда-майда бўлиб кетаркан-да «кўз»дан сақларкан.

Юртим учун қатрон бўлгим келади. Менга бўлсин неки бўлса, сен омон бўл, Ўзбекистоним! Сенга ошиқ бўлолмаганлар катта бахтдан бебаҳрадирлар. Сени севганлар омон бўлсинлар.

**Маматқул БОЗОРБОЕВ.**
**Гулистон шаҳри.**

ҲАР БИР БУЮРТМАЧИНИ СОВҒА КУТМОҚДА

NORD-WEST
КОМПАНИЯСИНИНГ РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ
ТАКЛИФ ЭТАДИ:
алюминийдан ишланган
РОМ,
ЭШИК ВА
ВИТРАЖ ТИЗИМЛАРИ,
шунингдек, алюминийдан ишланган турли рангдаги профиллар сотади.
ЮҚОРИ сифат
Арзон нарх
Бепул ўлчаб, етказиб ва ўрнатиб бериш.
Иссиқлик сақловчи
Чангдан сақловчи
Товушни пасайтирувчи
Рангини ўзгартирмайдиган
Ҳаво ўтказмайдиган шишали қатлам
Алюминий ва цинкланган металлдан ишланган электрон дарвозалар тайёрлаймиз
тел.:(371) 144-01-93
144-04-56
манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 17-уй, 3-хонадон.
Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида фаолият кўрсатамиз

ҲИКМАТ

*Билмаган ўз қадрини,*
*не билгуси сўз қадрини*

"Мотор ТошОР"
ШЎЪБА ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТИ
ТРАКТОРЛАР, ЭЛЕКТРСТАНЦИЯЛАР, СУВ НАСОСЛАРИ, ГРЕЙДЕРЛАРДА ҚЎЛЛАНАДИГАН
A-01, A-41
ДВИГАТЕЛЛАРИНИ КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАЙДИ ВА ЯНГИДАН ЙИҒИБ БЕРАДИ.
Тўлов шакли-турлича.
ИШНИ СИФАТЛИ БАЖАРИБ, 18 ОЙГА КАФОЛАТ БЕРАМИЗ.
Манзил: 700147, Тошкент ш., Каримов к., 5-уй.
Телефон 90-52-59.
5433/446

САВОЛ БИЗДАН...

Тананинг муайян нуқталарига махсус игна санчиш орқали даволаш нима деб аталади?

136-35-60

*Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби:*
карпология мева ва уруғ ҳақидаги фандир.

Россия фирмаси
йигирув ишлаб чиқариши чиқиндиси - қайта тараш тарандиларини юқори нархларда сотиб олади.
Стандарт №15
Тел. (99871)169-39-06, 169-70-67

# «Ниҳол»нинг режалари катта

## Боғча хусусийлашди, натижалар қувончли

Андижон шаҳридаги «Ниҳол» болалар боғчаси — вилоятдаги хусусийлашган тўнғич таълим-тарбия муассасаларининг бири. Хўш, хусусийлашганига салкам бир йил бўлаётган боғчада аҳвол қандай? Давлат қарамоғидаги болалар боғчаларидан у нимаси билан фарқ қилади?

— Аввало, озиқ-овқат таъминоти билан, — дейди боғча мудираси Мунавварxон Абдуллаева. — Биз маҳсулотларни ҳар куни янги харид қиламиз. Имкон қадар тўйимлилиги юқори, болаларбоп маҳсулотларни сотиб оламиз. Биласиз, яхши ва сифатли маҳсулотдан тайёрланган таом, албатта, мазали бўлади. Кўпчилик ота-оналарни худди шу масала қизиқтиради. Айни пайтда биз ҳар бир бола билан алоҳида шуғулланишга, уларга кўпроқ эркинлик беришга интиламиз. Инглиз тили, мусиқа, расм чизиш бўйича ҳар бир боланинг иқтидорига қараб машғулотлар йўналишини белгилаймиз. Бадантарбия, саломатлик машқлари болаларнинг чиниқишига ёрдам беради.

«Ниҳол» болалар боғчаси илгари Андижон шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфида бўлиб, қурилганига етмиш йилдан ошган эди. Мазкур муассасада қарийб 30 йил мудиралик қилган Мунавварxон опа боғча хусусийлаштирилгач, ишни бинони тўла таъмирлашдан бошлади. Боғча дарвозасидан тортиб томигача янгиланди. Ётоқхона, машғулот хонаси ва овқатланиш зали жиҳозлари «ёшарди». Шунингдек, болаларни иссиқ нон билан таъминлаш мақсадида нон пишириш ускуналари ўрнатилди. Бу ишлар учун беш миллион сўмдан ортиқроқ маблағ сарфланди.

Тарбияланувчиларнинг ота-оналари билан суҳбатлашганимизда, уларнинг боғчадаги таъминот ва тарбиячиларнинг ишларидан мамнун эканликларини англадик. Айниқса, тажрибали тарбиячи Мабура Исаева, инглиз тили муаллимаси Саида Камолхўжаевалар ҳар бир машғулотни қизиқарли ўтказишга интиладилар.

— Фарзандим қисқа муддатда инглизча сўзлар, шеър ўрганиб олди, — дейди Муҳаббатхон Қобулова.

Болаларни етук, жаҳон андозалари даражасида тарбиялашга астойдил интилаётган «Ниҳол» жамоасининг



режалари катта. Боғча имкониятларини янада кенгайтириш, тарбияланувчилар гуруҳларини кўпайтириш, болаларга дастлабки компьютер сабоқларини бериш борасида режалар ишлаб чиқилмоқда. Жамоа республика «Болалар» жамғармаси орқали халқаро ташкилотлар грантини олиш учун танловда иштирок этишни мўлжаллаяпти. Боғча қошида болалар поликлиникаси иш бошлаш арафасида.

Умуман, таълим-тарбиянинг янги йўналишидан дадил бораётган «Ниҳол»нинг ишлари ўрганса арзигулик.

**О. СИДДИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» жамоатчи мухбири.**

ALQUR
Сизларни баҳор байрамлари билан табриклаб, март ойида 10% чегирма берилишини эълон қиламиз
Ажойиб дунё ҳақида орзулар
Алюминий ромлар, эшиклар, витражлар
Маҳсулотимизнинг бежирим ташқи кўриниши, юқори сифати ва ажойиб техник имкониятлари кўзингизни қувонтиради.
«Алқур» меҳмонхоналар, бизнес марказлари, коллежлар, турар-жой бинолари қурилишида иштирок этади.
Сервис хизмати кўрсатишга кафолат берамиз.
Қўйлиқ
ALQUR
Олмалиқ
Корхона Кореяда ишланган алюминий профиль, стеклопакетлар ва бутловчи қисмларни сотади.
Тел.:98-64-83, 185-67-74, 98-64-82, 98-64-88. Факс: 98-64-84, 98-47-00.
Манзил: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Оҳангарон шоссеси, 2.
5408

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК
"Lok Kolor Sintez" QK
ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНА
ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН НАВРЎЗ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ!
ВА ҚУЙИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
Лак-бўёқ маҳсулотлари
Қурилиш эҳтиёжлари учун:
√ уй ичларини бўяш учун акрил вододисперсион бўёқлари;
√ ташқи деворлар учун бўёқлар;
√ том учун бўёқлар;
√ алкид ва акрилат эмаллари;
√ полларни бўяш учун бўёқлар;
√ ёғоч ва бўялган юзаларни қоплаш учун лаклар;
√ грунтовка ва шпатлевкалар;
√ L 80,100,120мм.ли михлар;
√ эмульсиявий, силикатли елим.
Саноат эҳтиёжлари учун:
√ универсал алкид бўёқлари;
√ универсал алкид лаклари;
√ том учун бўёқлар;
√ алкид-уретан эмаллари;
√ акрилат эмаллари;
√ грунтовка ва шпатлевкалар.
Сифатли хорижий хомашёдан тайёрланган, конструкцияларни қўлда ёйсимон пайвандлаш учун мўлжалланган
МР-3 русумли ЭЛЕКТРОДЛАР
Ўзи ишлаб чиқарган тикувчилик маҳсулотлари
ИШ КИЙИМЛАРИ:
• узун енгли эркаклар иш костюми;
• калта енгли эркаклар иш костюми;
• эркаклар ярим комбинезони;
• аёллар ярим комбинезони;
• аёллар иш бермудалари;
• аёллар иш фартуклари;
• эркаклар учун иссиқ иш курткалари;
• йўл хизмати ходимлари жилети;
• аёллар тиббий халати;
• эркаклар тиббий халати;
• эркаклар иш халати;
• ошпазлар курткаси;
• ошпазлар бош кийими;
• ички кийимлар;
• қўлқоплар,
шунингдек, мижозлар буюртмасига кўра, бошқа махсус кийимлар.
Кўрпа-ёстиқ буюмлари:
• кўрпа жилдлари;
• чойшаблар;
• турли ўлчам ва рангли ёстиқ жилдлари;
шунингдек:
• дастурхонлар;
• дастурхон ва 6 та ип газламали салфетка;
• ип газламали салфетка;
• 85х50 ўлчамдаги сочиқлар.
Тошкент ш., «Фарғона йўли» к., 13/22. Телефонлар: (998-71) 191-47-41, 191-80-94. Факс (998-71) 191-74-63. E-mail: lokcolor@online.ru Тўлов — пул ўтказиш йўли билан.
5300/138

Реклама ва эълонлар 136-09-25

Биринчи даражали
MAKSIMA
салони буюртма бўйича Италия, Испания, Польшадан келтирилган ЮМШОҚ, УЙ-ЖОЙ, ОШХОНА
МЕБЕЛЛАРИ
ҳамда
РАСМЛАР, ҚАНДИЛЛАР, ЁРИТГИЧЛАРНИ
харид қилиш учун шу йил 1 мартда очилган, барча қулайликларга эга бўлган янги дўконига таклиф этади.
Янги дўкон манзили:
Тошкент шаҳри,
Д.Кунаев кўчаси, 46-уй, кўк бино.
Мўлжал: Миробод бозори.
Телефон 111-14-44.
HOTEL KOREANA
Нукус кўчаси
Миробод бозори
Д. Кунаев кўчаси
5294/217

Ўзбекистон Республикаси Инкассация бирлашмаси маъмурияти Бирлашманинг Фуқаролар муҳофазаси бўйича етакчи мутахассиси Равиль Димуҳамедовга онаси

**Миниса ДИМУҲАМЕДОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси жамоаси ҳамда касаба уюшмаси Бирлашган қўмитаси ЎзР ФА «Замонавий технологиялар илмий маркази» бош директори, профессор Озод Набиевга онаси

**КАРИМА аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бокс Федерацияси ва Боксни ривожлантириш жамғармаси жамоалари жамғарма Бош директори Сайфиддин Исломовга укаси

**Шуҳрат ИСЛОМОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 294. 38254 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Зокир БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Т -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Б. Остонақулов.
Мусаҳҳиҳ — О. Абдуазимов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 топширилди: 20.50 1 2 3 4 5 6